Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 20 февраль, сешанба • № 15 (10.790) • Эркин нархда сотилади



Суратда қабул пайти. Р. ШАГАЕВ олган сурат.

### Ислом КАРИМОВ:

## ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

**Мамлакатимиз озод осмонида истиқлолнинг мунаввар қуёши порлаб, демократик давлат қуриш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга киришилганидан буён жаҳон аҳли, хусусан журналистлар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Юртимизда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнига алоҳида эътиборнинг боиси шундаки, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб, бу йўлдан оғишмай дадил илгариламоқда.**

Ростини айтиш керак, тўғри танлангани бугун кўпгина давлатлар томонидан эътироф этилаётган, ўзининг самараларини бера бошлаган бу йўлга дастлаб муносабат ҳар хил бўлгани эсимизда. Яқин ва узоқ хориждаги оммавий ахборот воситалари мамлакатимиздаги вазият ва ислоҳотлар жараёни билан яқинроқ, батафсил танишмай, юзаки ёзилган мақолаларда Ўзбекистонни обрўсизлантиришга, жаҳон аҳли, жумладан, йирик сармоядорлар ҳамда тадбиркорларда юртимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйғотишга уринган пайтлар ҳам бўлди. Бу борада Россия матбуоти «яловбардорлик» қилганини таассуф билан таъкидлаш жоиз.

Лекин шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, йироқда нотайин манбаларга асосланиб, Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурда юрганлар ҳар гал юртимиз ҳаёти билан бевосита танишгач, юртбошимиз билан мулоқотда бўлгач, ўзларининг алданиб юрганига имон келтирадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Бир гуруҳ россиялик журналистларнинг мамлакатимизга ташрифи уларга юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан кенг танишиш имконини берди. «Новое время» журнали, «Московские новости», «Известия», «Правда», «Независимая газета», «Сегодня», «Век», «Деловой мир» газеталари, «Озодлик» радиоси Москва бюроси, «Россия радиоси», «Интерфакс» ахборот маҳкамаси, Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) вакилларидан иборат россиялик журналистлар республикамиз Олий Мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлдилар. Талай раҳбарлар, жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари, оддий фуқаролар билан учрашдилар, баҳс-мунозараларда бўлдилар.

Ўзбекистон билан танишув сафари сўнгида уларни Республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларнинг Ўзбекистон бўйлаб сафари таассуротлари натижасида ёзилажак мақолалар республикамиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, икки мамлакат халқларининг бир-бирини янада теранроқ тушунишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Свобода» радиоси Москва бюросининг муҳаррири В. Кулистиков ташрифнинг муҳим аҳамияти ҳақида сўзлар экан, уни ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Ўзларининг бу сафари Ўзбекистоннинг демократия тамойилларига қатъий амал қилаётганининг исботи эканини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтаришга киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Ўзбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатаётганини таъкидлади.

Россиялик журналистлар дастлаб Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатдаги ички сиёсий вазият ва партияларнинг ҳукумат билан муносабатлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадилар. Ислом Каримов бу саволга жавобан мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар тўғрисида сўзлади.

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса, — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Ўзбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Ўзбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим. Россияда парламентга сайловлар чоғида элликка яқин сиёсий блоклар тузилган бўлсада, айтарли жиддий сиёсий дастури бўлмагани боис уларни фақат етакчиларига қарабгина фарқлаш мумкин эди. «Люмпенлашув», яъни маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш, ҳамма нарсага, мамлакат тақдирини ҳал этадиган сиёсий тадбирларга ҳам бефарқлик ҳозирги замонда зоҳир бўлаётган муҳим муаммолардан биридир.

Ислом Каримов «Правда» газетаси мухбирининг Ўзбекистонда Коммунистик партия ташкил этилиши мумкинми, деган саволига жавобида бу мавзудаги фикрини янада ривожлантирди. Партиялар фақат миллий заминда барпо этилиши шарт. Хориждаги сиёсий кучлар иродаси, кўмаги билан тузилмаслиги лозим. Зеро, партия мамлакат халқига таяниши, унинг манфаатларига хизмат қилиши даркор. Акс ҳолда кўнгилсиз ҳол рўй бериши турган гап. Коммунистлар бу усулни Ўзбекистонда синаб кўрган эдилар.

Президент журналистларга коммунистик ғояларни юртимизга ташиб келтирганлар Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга капитализмни четлаб, феодализмдан социализмга сакраб ўтишни Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон мисолида намойиш этишга уринганларини, аслида эса бу ерда «казарма социализми» ҳукм сурганини эслатди. Бизнинг ўлкада коммунистик ғоя миллий асосга эга бўлмаган. У большевиклар томонидан Ўзбекистонга экспорт қилинганини Туркистон марказий ижроқўми раҳбарлари орасида маҳаллий кадрлар бўлмаганидан ҳам билиш мумкин. Коммунистлар маҳаллий кадрларга йўл бериш, миллий қадриятларни ривожлантириш у ёқда турсин, уларни очиқчасига йўқ қилиш билан шуғулланган. Хусусан, маҳаллий миллат вакиллари дастлаб босмачи сифатида қирилди. Ўттизинчи йиллар охирларида эса миллат манфаатини ўйлайдиган маҳаллий зиёлилар халқ душманлари сифатида шафқатсизларча маҳв этилди. Бу сиёсат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам давом этди. Унинг «лигачёвча» тадрижи Горбачев замонида «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остида намоён бўлди. Бугун Россияда ҳукумат тепасига келишга интилаётган ва ўзларини «коммунист» деб атаётган гуруҳ аъзолари собиқ СССРни тиклаш ҳақида сўзлар эканлар, бу фожиаларни унутмасликлари керак. Ўзбек халқи энди ҳеч қачон бундай истибдодга йўл қўймайди.

Хўш, Россияда коммунистлар тарафдорлари ортиб бораётганининг сабаби нимада? Ислом Каримов бунинг боиси — Ҳокимият тепасидаги демократик кучлар ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйган жиддий камчиликлар эканини таъкидлади. Улар ўз хатолари билан коммунистлар, шовинистлар ва бошқа мухолиф кучлар тарафдорлари ортишига имкон яратдилар. Коммунистларнинг етмиш йилдан зиёд ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда коммунистик ғоя амалий илдиз отмаганини, маҳаллий миллат вакили коммунистик ғоялар ташувчисига айланмаганини, у аслида оддий «бажарамиз»дан нарига ўтмаган ижрочи бўлиб қолаверганини қайд этди Президент. Шу боис ҳозир Ўзбекистонда Коммунистик партия тузилишига миллий замин йўқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон жамиятда мулкдорлар синфининг — қатламининг вужудга келишига катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Жамиятда ана шундай қатлам вужудга келиб, муқим мавқени эгаллагандагина мамлакатдаги демократиянинг, жумладан сиёсий партияларнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Россиялик мухбирлардан бири Ўзбекистон раҳбаридан мамлакатда хорижий сармояларни жалб этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришилганининг боиси хусусида сўради. Хорижий сармоялар ҳеч қайси мамлакатга ўз-ўзидан оқиб келмайди, деди Ислом Каримов. Хорижлик сармоядорлар маълум мамлакатга сармоя солишдан аввал ундаги вазият, қонунларни чуқур ўрганадилар. Ўзбекистонни 2-3 йил давомида синчковлик билан ўрганган японияликлар бунга мисол бўла олади. Кунчиқар мамлакатида бу ишга давлат кенг кўмаклашади. Жамғармалар шаклидаги махсус тадқиқот муассасалари маълум мамлакатга сармоя солиш манфаатли ёки йўқлиги ҳақида хусусий компанияларга тавсиялар берадилар. Биз буни билган ҳолда ислоҳотларнинг бошланишиданоқ энг устувор соҳаларни аниқ белгилаб олган эдик, деди Президент. Бу соҳаларни ривожлантириш учун сармоядорларга кенг имтиёзлар, ҳатто сиёсий кафолатлар берадиган қонунлар яратилди. Эришилаётган ютуқларнинг боиси ана шунда. Биз сармояларни аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирмоқдамиз. Сармоядорлар эса аниқликни ёқтиради.

Ислом Каримов хорижлик ишбилармонларни жалб этишда уларнинг мамлакат имкониятларидан воқифлиги муҳим аҳамият касб этишини айтди. Шу боис мен жаҳондаги йирик бизнесменлар, иш одамлари, давлат раҳбарлари йиғиладиган Давос учрашувларида беш йилдан бери мунтазам иштирок этиб кемоқдаман, — деди Президент. Шу ўринда юртбошимиз «ЎзДЭУавто» корхонаси ва Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига хорижлик ишбилармонлар билан тенг шериклик тамойилида сармоя сарфланганини таъкидлади. Ўтган йилда мамлакатимизда 1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя ўзлаштирилди.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, бизда қўшма корхоналар 5—7 йилгача солиқдан озод қилинишини, хорижлик сармоядор 10 йил давомида Ўзбекистондаги корхонасини у барпо этилган даврдаги қонун ва шартларга асосан бошқариши кафолатланганини эслаш жоиз, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатда бу даврда мазкур соҳага оид қонунлар ўзгарган тақдирда ҳам у истаса аввалги қонун асосида иш юритиш имкониятига эгадир. Ислоҳотларни босқичма-босқич, режали тарзда пухта ўйлаб амалга ошириш уч йил ичида нефть мустақиллигига эришиш имконини берди. Биз ғалла мустақиллигига эришиш арафасида турибмиз.

Илгари нефть олишга сарфланадиган пахтани жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағни бошқа соҳаларни ривожлантиришга, жумладан сўмнинг қадрини оширишга сарфлаш имкони туғилди. Биз 1996 йилда сўмнинг тўла ички конвертация қилинишига эришамиз, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Бунинг учун пухта ҳисоб-китоб ва етарли имкониятларга эгамиз. Ўтган йили валюта биржаси орқали 1,5 миллиард АҚШ доллари сотган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткич 2,6 миллиард долларга етиши мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон НАЗАРБОЕВ жаноби олийларига
## Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар АКАЕВ жаноби олийларига
## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

*Жаноби олийлари,*

*Сизларнинг 1995 йил 19 декабрдаги мактубингизда баён қилинган қўшма тинчлик ўрнатиш батальони тузиш, шунингдек БМТ захира битимлари тизимига қўшилиш юзасидан қабул қилган қарорингиз ва бу мактубга илова қилинган битим учун самимий миннатдорлигимни билдириш мақсадида мактуб ёзмоқдаман. Бу муҳим тадбир бўлажак тинчлик ўрнатиш операцияларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун қимматли захира фондини вужудга келтириб, халқаро тинчликни сақлаб туришга ҳисса қўшади.*

*Бош котибнинг тинчлик ўрнатиш операциялари бўйича ўринбосари яқин кунларда мамлакатларингиз пойтахтларига икки катта ходимини юборажагини маълум қилишни лозим топдим. Улар Сизларнинг хукуматларингизга зарур техникавий маслаҳат беришади.*

*Жаноби олийлари, Сизларга юксак эҳтиромимни қабул қилгайсизлар.*

*Бутрос Бутрос ҒОЛИЙ,*
*БМТ Бош котиби.*

## ЎЗА ШАРҲИ

Ҳозирги даврда жаҳонда бўлаётган оламшумул ва минтақавий жараёнларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Мутлақо равшанки, дунёдаги ҳавфсизлик ва умумий тараққиёт маҳаллий низоли вазиятларни ўз вақтида ҳал этишга бевосита боғлиқдир.

Жаҳон ҳамжамияти бу мақсадга эришиш йўлида бир неча ўн йиллардан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш операцияларидан бир мамлакат доирасида давлатлар ёки бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида вужудга келувчи можароларни ҳал қилиш қуроли сифатида фойдаланиб келмоқда. Маҳаллий можаролар муаммоси сўнгги вақтда айниқса ўткир тус олди. Бу муаммоларни ҳал этиш жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида олганда ҳар бир давлатдан мумкин қадар кўпроқ фаоллик ва ташаббускорликни талаб қилади.

Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ва Ўзбекистон Президенти И. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг можароларни бартараф этиш, уруш хавфининг олдини олиш ва тинчиликни сақлашга доир саъй-ҳаракатларига биргаликда ҳисса қўшишга интилиб, олдиндан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Бутрос Ғолий билан маслаҳатлашиб, 1995 йил 15 декабрда Жамбул (Қозоғистон)да бўлиб ўтган олий даражадаги навбатдаги учрашувда БМТнинг захира кучлари сифатида коллектив тинчлик ўрнатиш батальони тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Президентлар БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга биргаликда яна мактуб йўллаб, унда БМТ захира битимлари тизимига қўшилишга ҳамда БМТ мутахассислари билан маслаҳатлашишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий юқорида эълон қилинаётган жавоб мактубида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг БМТ хомийлигида захира кучлар сифатида ҳарбий бўлинма тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз миллий ҳудудларида турадиган ва Бош котибнинг сўровига мувофиқ янги ёки илгаридан амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш операцияларида иштирок этиш учун жаҳоннинг турли минтақаларига оператив тарзда юборишга тайёр турадиган «захира» кучларини тузиш ғояси 1993 йилда амалга оширила бошлаган эди. Ҳозирги пайтгача 21 давлат жами 30 минг кишидан иборат «захира» кучларини БМТ ихиёрига беришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Яна 26 давлат зиммасига ана шундай мажбурият олиши кутилмоқда. Натижада БМТ «захира» кучлари 55 минг кишига етиши мумкин.

БМТ қўшинлари ана шу давлатларнинг ўзида мунтазам кучлар ёки кўнгиллилардан, шу жумладан захирага бўшатиладиганлардан тузилади. Бундай тоифадаги ҳарбий хизматчилар учун хизмат муддати тинчлик ўрнатиш операциялари давомида асосан 6 ойдан 1 йилгача бўлади.

Бетарафликка риоя қилиш ҳамда БМТ мандатида белгиланган вазифаларнигина бажариш БМТ қўшинлари учун ҳам, ҳарбий кузатувчилар учун ҳам асосий қоидадир.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиёдаги уч давлат ҳукуматлари ва тегишли маҳкамалари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг манфаатдор тузилмалари билан ҳамкорликда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ташаббусини амалга оширишнинг ҳуқуқий негизи ва механизми ишлаб чиқилмоқда.

*ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ*

## ИШТИРОКЧИЛАР САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловининг илк босқичлари бўлиб ўтди. Унда ижро этилаётган ранг-баранг янги қўшиқлар ташкилий қўмиталар, ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, кейинги босқичларда қатнашишга тақдим этилмоқда. Чирчиқ шаҳрида ҳам қўшиқлар танлови санъат байрами сифатида кенг тус олди. Шаҳардаги болалар боғчалари, Алишер Навоий номидаги ўрта мактаб, 2, 6, 21 ўрта мактабларда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловларида кўплаб ёш истеъдодларнинг бу улуғ юртга муҳаббат руҳи билан суғорилган қўшиқлари томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди. Энг яхши қўшиқчилар кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Химия-технология, машинасозлик институтида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловида талабалар ёшлик, Ватан, бепоён Ўзбекистонимиз тараннумини кўпчиликка манзур даражада саҳнага олиб чиқдилар. Шунингдек, шаҳардаги Ҳамза номидаги санъат билим юрти, Чайковский номидаги мусиқа мактабида ҳам мазкур танловга бағишланган қўшиқлар ижро этилди.

Концертга ташриф буюрган ота-оналар, томошабинлар ёшларнинг бу чиқишларини гуллар билан олқишладилар. Хомий ташкилотларнинг совринлари ғолибларга тақдим этилди. Ҳамза санъат билим юрти ўқувчилари ижро этган София Неблицкая басталаган «Ўзбекистон дея аталур» қўшиғи ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Чайковский номидаги мусиқа билим юртининг ўқувчиси Евгения Иноятова дирижёрлик қилган «Ватан ҳақида қўшиқ» хор ижрочилиги учун ёзилган асарни ҳам томошабинлар хушнудлик билан қабул қилдилар.

Чирчиқ шаҳрида фаолият олиб бораётган ансамбллар ҳам ўзларининг ранг-баранг асарлари билан танловда иштирок этмоқдалар. Дилшод Эрназаров раҳбарлигидаги «Омад» вокал-чолғу ансамбли тақдим этган «Бу улуғ юрт бизникидир» деб номланган дастур, кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Металлурглар маданият саройининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоасининг «Водий тароналари» дастурида бепоён юртимиз, унинг меҳнаткаш кишилари, тинчлик ҳукм сураётган мусаффо ўзбек диёрининг осмони тараннум этилди. Шаҳар маданият уйининг «Моҳларойим» ансамбли эса «Улуғ юрт тароналари» деб номланган дастурида халқ оғзаки ижодиёти намуналарини томошабинларга ҳавола қилди.

*ЯНГИЙЎЛ ЯНГИЛИКЛАРИ*

## РУХЛАНИШ

АГАР режа пухта бўлса, қишлоқ хўжалиги ишларига оид у ёки бу тадбирларни белгилаш чоғида имкониятлар тўғри чамаланса ва уларни ишга тушириш йўллари қидирилса, бутун йил бўйи деҳқончиликдаги ишлар анча осон кўчади. Хўжаликларда яқинда ниҳоясига етган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу масалага алоҳида эътибор берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Доңғи кетган пахтакорлар ватани бўлган Янгийўл ўтган йили пахта режасини бажара олмади. Шунинг учун ҳам бу йилги тайёргарлик ўзгача бўляпти. Пахтакорлар бу йил юзимиз ёруғ бўлади, деб айтмоқдалар. Туман ҳокимлиги уларнинг ниятларини рўёбга чиқаришни деҳқонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, руҳлантиришдан, рўзғор ташвишларини анча енгиллаштиришдан бошлади. Ҳар бир хўжаликда имкониятлар ишга солиниб, деҳқонлар меҳнатига ҳақ тўлаш йўлга қўйилди. Ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилди. Ун, ёғ ва бошқа кундалик рўзғор учун зарур маҳсулотлар олиб келиниб, ҳар бир оиланинг умумишига қўшган ҳиссасига қараб тарқатиб чиқилди. Деҳқонлар янги ҳосилга тайёргарликни ҳар жиҳатдан авж олдириб юбордилар.

## БУ ЙИЛ ЮЗЛАРИ ЁРУҒ БЎЛАДИ

Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, тажрибакорлар иштирокида бу йил туман учун қанча уруғлик чигит кераклиги аниқ ҳисоб-китоб қилинди ва 640 тонна қилиб белгиланди. Ҳозирги кунда бу уруғлик келтирилиб дорилаб қўйилди. Деҳқонлар ўз тупроқ шароитларини ҳисобга олиб С-65-24, С-65-22 навли уруғликни жамғариб қўйдилар. Экиш учун зарур мавжуд 107 та сеялка ҳам синчковлик билан кўздан кечирилиб, айримлари таъмирланиб, созлаб қўйилди. Экиш даврида ишлатиладиган бошқа зарур техникаларни ҳам айни кунларда текширишдан ўтказиб, мавсумга бекаму-кўст тахт қилиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, туман хўжаликларидаги мавжуд ариқ ва зовурларнинг қарийб 60 фоиздан кўпроғи сув равон оқадиган қилиб тозалаб қўйилди. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ҳам ҳар бир хўжаликда режа асосида амалга оширилаётир. Хуллас, туман пахтакорлари янги мавсумни уюшқоқлик билан бошлаш учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

# ЖАҲОНГИР ЧАВАНДОЗ

***Жаҳонда ҳеч бир миллатникига ўхшамаган удумларимиз, халқ ўйинларимиз бор. Улоқ ҳам ана шу ўйинлар сирасидан. Ушбу қоралама ота-боболар удумини давом эттириб келаётган чавандоз йигит ҳақида***

Бу воқеа ўтган йилнинг охирги кунлари бўлган эди.

Овжазсойнинг кенг ёнбағрида катта улоқ бўлаётир. Тоғбағирлари томошабинлар билан тўла. Ўртада чавандозлар от сурмоқда. Кўпкарига ҳакамлик қилаётган киши туя тикилганини эълон қилди. Ўртада отлар депсинади. Ердаги улоқни шунча отлар тўдасидан қайси мард чавандоз олиб чиқишига ҳамма ҳавасманд бўлиб боқарди. Ниҳоят қашқа тўриқ от тўдани ёриб чиқди. Оломон бир қалқиб тушди.

— Яна марра ўша қашқа тўриқда...

— Отасига балли-е, Жаҳонгир полвоннинг...

— Қандингни ур, чавандоз йигит... — деган қийқириқлар тутиб кетди майдонни. Қашқа тўриқ эса устидаги ола чопонли ёш йигитчани худди қушдай учириб борар, унга ҳеч ким етолмас эди. Жаҳонгир ўша куни даврани яна икки айланиб, улоқни маррага ташлаганда кучли қарсак ва қийқириқлар тутиб кетди Овжазни. Ҳакам яна Жаҳонгир чавандознинг номини эълон қилди ва унга каттагина туяни етаклатди. Бу ўша кўпкарида Жаҳонгирнинг маррага иккинчи бор улоқ ташлаши эди. Аввалги сафар битта тойга улоқ ташланганди. Бироқ шундан кейин улоқ ўйини анча давом этган бўлса ҳам Жаҳонгир маррага унчалик ошиқмади. Сабабини эса қуйидагича изоҳлади:

— Бошқалар ҳам умид билан келишган-ку, ҳамма совринни мен олаверсам... Бу чавандозлик удумига унчалик тўғри келмайди, инсоф ҳам бўлиши керак.

Унинг қашқа тўриғи Жаҳонгирга бахт қушидай гап. Бу қуш на қумри, на ҳудҳуд, на андалиб, на самандарга, на анқо, на ҳаққушга тенг. Бу тенгсиз, тимсолсиз...

— Улоққа тушган одам кўпчиликнинг назарида бўлади, кўпда эса ҳизр бор, — дейди Жаҳонгир. — Мана шу қашқа тўриғим билан кўпчиликнинг назарига тушдим. Мен учун энг қадрли дўст бўлиб қолди.

У ҳар сафар улоққа тушганида таваккал қилади. Зотан, таваккал тоғни йиқибди, ё таваккал деган эл на талқоннинг, на қалқоннинг ғамин ер, деб бекорга айтишмаган ахир. Одатда йигитнинг шери от чопади. Чавандознинг шуҳрати оти билан. Чавандозлик — бу ишқибозлик, куч, талант, отга чексиз меҳр демакдир. Жаҳонгир моҳир чавандозлиги ва мардлиги туфайли элга танилди. Бежиз айтишмаган: отда юрсанг эл танийди, деб. Қайси гурунгга борманг, ҳали уйланмаган, айримлар отасидан пул сўраб яшайдиган ёшдаги бу йигитнинг довруғини қилишади.

У билан суҳбатлашганимизда гап унинг қашқа тўриғи ҳақида борди. Ўзининг улоқчи отини кўрсатиб:

— Туркманистон томонларда отларнинг ахалтекин деган насли бўлади. Бу от ўша наслдан. Кўп ҳам семирмайди. Кўрдингизми, ўзи жуда нозикка ўхшайди, лекин ҳар қандай шароитда ҳам отларни етказмайди. Агар билсангиз соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг жангу-жадалларда минадиган «Кунўлғон» номли отлари ҳам шу наслдан бўлган, дейишади.

— Айтишларича, бу отни ёшлигидан ўзингиз тарбиялаган экансиз...

— Шундай бўлган, етимча эди жонивор. От ҳам дутордай гап. Эҳтиёт қилиб боқмасангиз тоб ташлайди. Ахир дуторни ҳар ким ҳар хил чалади-ку, — дейди Жаҳонгир чавандоз. — Отни ҳамма боқиши мумкин. Лекин чавандознинг отга қарагани бўлакча бўлади-да. Заргарнинг қўлига тушмаган гавҳар на узукка кўз ва на тақинчоққа безак бўлолмайди, от ҳам шунга ўхшаган гап.

Ўн ёшимдан бери от чопаман. Биласиз, уруғимизда чавандоз бўлмаган. Лекин амаким от боқарди. Унга қарашардим, отга болалигимдан меҳрим тушган. От жонивор фақат гапиролмайди. Лекин ҳамма ҳаракатларингизни, ниятларингизни пайқаб туради. Аҳамият берганмисиз, мен улоқда отимга мутлақо қамчи босмайман. Умуман қўлимда қамчи бўлмайди. Қашқанинг ўзи олиб чиқади мени тўдадан.

— Сизга улоқ текканда бошқа отлар аста-секин сизни қувишдан ҳам тўхтайди, бунинг боиси нимада? — сўрайман Жаҳонгирдан. У кулади.

— Бозорга тушган одам ҳолига қараб кунига ярайдиган нарсасини излайди-да, ахир олис йўлга от бормас, деган гапни эшитганмисиз? — дейди у.

Ўзининг айтишича, шу оти билан кейинги беш йил ичида юздан ортиқ совринни қўлга киритибди.

Миллатнинг довруғини, йигитнинг шаънини, ор-номусини баланд тутувчи Жаҳонгир чавандоз сингари эр йигитлар бор бўлсин юртимизда!

**МЎМИН ҚАЮМ.**







***Хўжаликлардаги техникалар қанчалик яхши таъмирланган ва шай қилиб қўйилган бўлса, дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мумкин бўлади. Тошкент туманида бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Суратларда: (юқорида чапдан) М. Фозилов номли жамоа хўжалиги тракторчиси Шукрулла Раҳматиллаев ўзига бириктирилган тракторнинг созлигини яна бир бор текшириб кўрмоқда. Жамоа хўжалиги механиги Б. Абдухолиқов, туман давлат техника назорати бошлиғи Ф. Султонов ва жамоа хўжалиги бош механиги Н. Маткаримовлар техниканинг қай даражада тайёрлаб қўйилгани ҳақида ўзаро фикрлашмоқдалар. Тумандаги Навоий номли жамоа хўжалигида ҳам (пастда) дала ишлари учун зарур бўлган техника барвақт шай қилиниб қўйилди.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ЎЙЧИ ЎЙЛАГУНИЧА ТАВАККАЛЧИ ИШИНИ БИТИРИБДИ

***Канопчилик ва каноп саноатини ривожлантиришдаги муаммолар ҳақида***

*Ислоҳот қандай боряпти?*

***БОЗОР тадбиркорларнинг жонига оро кирди-ю, бироқ, ўйлаб ўйининг охирига етолмай куним ўтса бўлди, деб юрган одамларни шошилтириб қўйди. Жумладан, кўп йиллар мобайнида каноп билан иш кўриб юрган Қуйичирчиқ туманидаги лубчиларнинг иши ҳам орқага кетди. Тайёр маҳсулотга харидор чиқмай, бозорлари касод бўлгач, туман хўжаликлари бу экинни қисқартириб, ерни бошқа экинларга бўшатиб беришга мажбур бўлдилар. Ишнинг шу хилда терс кетиши хомашёсиз қолган Кўрғонча, Гул, Солдатскдаги каноп заводлари маъмуриятини ҳам ташвишлантириб қўйди. Улар олдида энди икки йўл турарди. Биринчиси, осон йўл — иш ўринларини қисқартириб, ишчиларни бўшатиш, иккинчиси — анча қийин ва мураккаб йўл — ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириб, эски биноларда янги корхоналар очиш. Гул ва Кўрқонча каноп заводлари маъмуриятлари биринчи йўлни танлайдиган бўлдилар. Дастлабига Кўрғончада 47 киши, Гулда эса 90 ишчи билан хайр-маъзур қилишни режалаштирдилар.***

Солдатск каноп заводи маъмурияти анча машаққатли бўлса ҳам оғир йўлни танлади.

— Тошкент тўқимачилик комбинати ва Янгийўл мебель фабрикаси билан шартнома тузиб, бўшаб қолган биноларда пахта титиш, калавалаш ва тўқимачилик бўйича қўшма корхона очадиган бўлдик, — дейди унинг раҳбари Рустам Одилов. — Комбинат ҳар учала цех учун зарур бўлган машина ва дастгоҳларни етказиб берадиган, умр бўйи канопни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган ишчиларни қайта ўқитиб, хоҳишига қараб, тегишли касб ўргатадиган, мебель фабрикаси эса тайёр маҳсулотимизни сотиб оладиган бўлди.

Кўп ўтмай шартнома кучга кириб, тўқимачилик комбинати ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришга киришди. Пахта титадиган, ватин қавийдиган, ип калавалайдиган ва йигирадиган дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Яна бир бинода очилган тўқимачилик цехига 198 та тўқув дастгоҳлари жойлаштирилди. Маъмурият ишни шундай ташкил этдики, созловчилар дастгоҳларни ўрнатиб ва тайёрлаб бўлгунларича уларни ишлатадиган кишилар тўқимачилик комбинатида тажрибали усталар қўлида ҳунар ўрганиб қайтишди. Улар ҳам ўз навбатида корхонада ёшларни шогирдликка олиб, комбинатда ўқиб ўрганганларини уларга ҳам ўргата бошладилар.

Шундай қилиб ғоят қисқа вақт ичида собиқ каноп заводи биноларида корхона ишчилари учун бутунлай янги соҳага ихтисослашган қўшма корхона вужудга келди.

— Пахта титиш, йигириш ва калавалаш цехларимизда 14 киши икки сменада ишлайди, — дейди ишлаб чиқариш бошқарувчиси Азамат Отахожиев. — Тўқимачилик цехида эса дастгоҳларни 60 нафар тўқувчи қизлар бошқаряпти. Бир гуруҳ хотин-қизлар комбинатда ўқиб, ҳунар ўрганиб келгач, тез кунларда жамоамизда ишлайдиган ишчиларнинг сони 200 нафарга етади. Комбинат булардан ташқари корхонани хомашё билан таъминлашни ҳам зиммасига олган. Ишлаб чиқарган қаватлаб қавилган пахта ва тўқилган бўзни Янгийўл мебель фабрикаси ўз маҳсулотига ишлатиш учун пешма-пеш олиб кетяпти.

...Цехларда иш бир маромда боряпти. Бир томондан кириб келаётган той-той пахта мураккаб машиналардан ўтиб ипга, газламага айланиб, тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчига жўнатилмоқда. Бу ерда ҳозирча бир кеча-кундузда 2040 метр, бир ойда эса 45 минг метр бўз тўқиляпти. Оз фурсатда корхонада илғорлар ва тажрибакорлар ҳам кўзга яққол ташланиб қолдилар. Уста ёрдамчиси Комил Иноятов, тўқувчилардан Умида Жаҳонгирова, Елена Троеглазова, Азиза Шербековалар энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга ҳар бири бир неча ёшга мураббийлик ҳам қилмоқдалар. Олаётган маошлари ҳам шунга яраша — 3-3,2 минг сўм. Умуман, қўшма корхона туманда энг юқори маош тўлаётган жамоалардан бири бўлиб қолгани сабабли ҳам Солдатск шаҳри ва яқин атрофдаги қишлоқлардан ўнлаб йигит ва қизлар шу ерда ишлашни орзу қиладиган бўлиб қолишди.

— Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди корхона раҳбари Рустам Одилов. — Негаки, рўзғоримиз янги. Аммо ҳамма гап кутиб ўтирмай бу муаммоларни вақтида ҳал қилиб олишимизда. Ахир камчиликларимизни биров четдан келиб тузатиб бермайдида. Мана, масалан, бино совуқлиги сабабли ип йигириш цехимизни тўла ишга солиб юбориш қийин кўчяпти. Бундан ташқари комбинатни хомашё билан таъминлашни кўпайтирадиган вақт ҳам келди...

Суҳбат айланиб тумандаги каноп заводларида вужудга келган иқтисодий қийинчиликларга тақалди.

— Биз ҳам уни бошимиздан кечирдик, — деди Р. Одилов. — Бироқ вақтида хулоса чиқариб, ишни тубдан қайта қуриб олишга куч ва имкониятлар топдик. Менимча, бошқалар ҳам кутиб ўтирмай, вақтида ҳаракатларини қилишлари керак эди.

Бир вақтлар ишлаб чиқаришдан катта-катта даромадлар олиб келган Гул каноп заводи раҳбарлари ҳам қўшниларидан ибрат олиб, оғир вазиятдан чиқишнинг йўлини излаб кўришди. Корхонанинг бир қисмида ўзгариш қилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлишди. Чунончи, гилам тўқиш цехини очишди, хотин-қизларни шу касбга ўқитишди. Аммо орадан кўп ўтмай хомашё йўқлиги сабабли бу иш ҳам ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Натижада завод маъмурияти уч ой бўлдики, иш йўқлиги сабабли кишиларни узоқ муддатли таътилга чиқариб юборишга мажбур бўлди.

— Тумандаги каноп заводларининг шундай оғир аҳволга тушиб қолишига хўжаликларда каноп майдонларининг йил сайин қисқариб бораётгани сабаб бўляпти, — деди завод бош муҳандиси Озод Умаров. — Вазиятдан чиқишнинг йўли битта — у ҳам бўлса туманда каноп етиштиришни кўпайтириш.

Шу мазмундаги суҳбат кейинроқ туман ҳокимлигида ҳам давом этди.

— Ҳокимлик бу муаммони ҳал қилиш учун зарур тадбирларни белгилаяпти, — дейди ҳоким муовини Ҳамид Саидов. — Бу йил туман бўйича 1,5 минг гектар ерда каноп етиштириш режаланди. Хўжаликлар бу экин учун майдонларни бошқа соҳаларга зарар етказмайдиган қилиб ажратишга ҳаракат қиляптилар.

Туманда бу йил 1,5 минг гектар майдонга каноп экиладими, йўқми, буни вақт кўрсатади. Негаки, хўжаликларда бу соҳага ҳозирги муносабат масаланинг ижобий ҳал бўлишини мавҳум қилиб қўйяпти. Жумладан, «Хизмат» агрофирмаси раиси В. Кимнинг эътироф этишича, «каноп учун чорвачиликка зарар етказиб, озуқа экинлари майдонларини қисқартириб, ер ажратилган» эмиш. Бошқа хўжаликларда ҳам бу экинга энг чекка, «оғир», сув чиқмайдиган жойларни беришибди. Айрим хўжаликлар раҳбарларининг таъкидлашларича, каноп ғоят кўп меҳнат талаб қиладиган экин бўлгани сабабли унинг келажаги йўқ. Туманда канопнинг ўгай экинга айланиб қолганлигини яна бир мисол ҳам кўрсатиб турипти. «Пахтачи», «Меҳнатобод» хўжаликларида 120 гектар майдонда етиштирилган ўтган йилги ҳосил яқин кунларгача йиғиштириб олинмади. Агар у вақтида ўриб-йиғиб олинганида чиққан ҳосил каноп заводларини шу кунгача тўхтатмай ишлатиш имкониятини бериши ҳақидаги масала ҳеч кимни ташвишга солмай келаётганлиги кишини ажаблантиради...

Хуллас, Қуйичирчиқ туманида канопчилик билан боғлиқ муаммолар кўп. Бу масала ижобий ҳал этилса, тумандаги мавжуд икки корхонада ниҳоятда долзарб бўлиб турган ишсизлик муаммоси ҳам ўз-ўзидан ижобий ҳал қилинган бўларди. Аммо тадбиркорлар ҳам кутиб ўтирмай ўз навбатида шу соҳа ишчиларига ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти. Чунки халқимиз билиб айтганидай, ўйчи ўйлагунича, таваккалчи ишини битириб қўяди.

***Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# ҒОЛИБЛИК МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАЙДИ

***ЎТГАН йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловида бошқа хўжаликлар қатори биз ҳам фаол қатнашишга аҳд қилган эдик. Бундан асосий мақсад хўжалигимиз ҳудудида атроф муҳитни мусаффо сақлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини янги поғонага кўтариш эди.***

Шу туфайли ҳам табиатни муҳофаза қилиш жамоамиз ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлиб қолди. Каттаю-кичик, кексаю-ёш, барча аъзоларимиз унда фаол қатнашдилар. Албатта, кўрик-танловда ғолиб чиқиш эмас, балки ўзимиз яшаб турган ҳудудни ҳар томонлама тоза сақлашга бўлган интилиш ҳаммамизни шунга ундади.

Хўжалигимиз катта ва кенг тармоқли. Ҳаммаси бўлиб 1965 гектар экин майдонлари бор. Шундан 204 гектарини боғлар, 560 гектарини узумзорлар, 499 гектарини очиқ экин майдонлари ташкил этади. Ўтган йил давомида хўжалигимизда 5523 тонна узум, 1915 тонна мевалар — олма, нок, ўрик ва бошқалар, 387 тонна сабзавот, 130 тонна картошка, анчагина миқдорда буғдой ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Етиштирилган бу маҳсулотларнинг ҳаммаси экологик соф бўлди.

Жамоамиз шундай маҳсулотлар етиштиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик экинлари заркунандаларига қарши кимёвий заҳарли моддаларни ишлатиш камаймоқда. Унинг ўрнига биологик соф усуллардан фойдаланиляпти. Ўтган йили ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ўғитларни ишлатиш кескин камайиб, маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш кўпайди. 4200 тонна шундай ўғит экин майдонларига чиқарилди.

Турли хил минерал кимёвий заҳарли моддаларни сақлаш ва ишлатишда белгиланган тартибларга қатъий амал қилинмоқда. Бундай моддалар махсус жойларда сақланади. Кимёвий моддалар билан ишлайдиган механизаторлар ва ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилади. Заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлари билан боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммаси табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига қатъий амал қилган ҳолда бажарилади.

Хўжалигимизда атроф муҳитни ифлослантирувчи қатор бошқа манбалар ҳам бор. Ҳозир бизда 6 та қозонхона ишлаб турипти. Уларни табиий газга ўтказишга эришганмиз. Бу шу манбалардан ҳавога чиқадиган заҳарли моддалар миқдорини мазут фойдаланилганидагига нисбатан бир неча баравар камайишига олиб келди. Тозалаш қурилмаларининг соз бўлишига эришилмоқда. Камчиликлар аниқланса дарҳол бартараф этилади. Шу туфайли ҳам чиқаётган чиқиндилар белгиланган меёрдагидан ошмаяпти.

Хўжалигимизда каттагина автомобиль транспорти корхонаси бор. Ҳозир 60 дан ортиқ турли маркадаги транспортлардан фойдаланяпмиз. Улар ҳам табиатни ифлос қилувчи манбалар ҳисобланади. Автомобиллардан чиқаётган заҳарли газларни доим текшириб турамиз. Бунинг учун мутасадди ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилганмиз. Ҳар йили ками билан икки марта шундай текшириш ўтказилади. Заҳарли газни нормадан ортиқча чиқараётган автомобиллар қайта созланади.

2та хусусий сут-товар фермамизда ҳам экология ишлари кучаймоқда. Бу фермаларда чиқаётган гўнг махсус ажратилган жойларда тўпланади ва хўжалик экин майдонларига чиқарилади. Оқавалар эса махсус тозалаш иншоотларида тўпланади.

Хўжалигимизда ҳаммаси бўлиб 2 минг хонадон бор. Уларнинг 80 фоизи ичимлик сув ва 90 фоизи табиий газ билан таъминланган. Ўтган йили қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилди. Шу туфайли 2 та Ҳосилдор ва Қизилту маҳаллалари хонадонларига газ ўтказилди. Бу йил яна 100 хонадонни газ билан таъминлашни мўлжаллаб турибмиз. Қисқаси хўжалигимиз ҳудудидаги барча хонадонларга тоза ичимлик сув ва табиий газ етказиб бериш тўла йўлга қўйилмагунча бу ишларни давом эттираверамиз. Бу йил турли хил ифлос оқаваларни тиндириш учун тозалаш иншоотлари қуришни мўлжаллаб қўйдик. Кўчалар ва сув тармоқларини тоза ҳолда сақлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун тез-тез шанбаликлар уюштириб турилади, уларда барча хонадонларда яшовчилар фаол қатнашадилар. Уйлардан чиқаётган ахлатлар ва чиқиндилар махсус транспорт ёрдамида мунтазам ахлатхоналарга ташиб кетилмоқда.

Биз хўжалигимиздаги барча қишлоқлар яшил либосга бурканган бўлишига қарамасдан кўкаламзорлаштириш ишларини тўхтовсиз давом эттирмоқдамиз. Ҳар йили бўш ётган ерларга ва ариқ бўйларига турли-туман мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, айниқса, терак экиляпти. Биргина ўтган йили 3 гектар ерга кўчатлар экилди. Бу йил ҳам ками билан шунча майдонга кўчатлар экишни мўлжаллаб турибмиз.

Хўжалигимизнинг «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» вилоят кўрик-танловида қатнашган барча хўжаликлар ўртасида ғолиб деб топилгани ҳар биримизга ғурур бағишлаш билан бирга масъулият ҳам юклайди. Демак, биз бу ишларни ҳеч қачон сусайтирмаслигимиз лозим.

***Қаюм ХОЛМИРЗАЕВ, «Қибрай» жамоа хўжалиги раиси.***

*Миннатдорчилик*

# ЯХШИЛАР КЎП

*КЎПИНЧА ўзаро суҳбатларда «орамиздан меҳр-оқибат йўқолиб боряпти», деган гапларни эшитишга ҳам тўғри келяпти. «Юмушлар кўпайиб, яқин кишилар, қариндош—уруғлардан ҳол-аҳвол сўролмаяпмиз», деб ёзғиришади ҳам. Менимча, шундай бўлишига одамларнинг ўзлари сабабчи бўляптилар. Ўзгалар ҳолидан хабар олиб турган кишилар ҳаётда жуда кўп. Улар бошқаларга қўлларидан келганча меҳр-саховат кўрсатяптилар.*

*Бизнинг Ғазалкент шаҳар кўзи ожизлар жамиятида 112 нафар аъзо бор. Ногиронларнинг яхши-ёмон кунларида меҳридарё кишилар албатта тез-тез йўқлаб туришибди, улардан ўз мурувватларини аямаяптилар. Жумладан, Ғазалкентдаги вино, консерва, мармар, нон заводлари маъмуриятлари ишидан жамиятимиз аъзолари ҳамиша миннатдорлар. Улар кўзи ожиз ногиронлардан меҳрларини дариғ тутмай, моддий ва маънавий жиҳатдан қарашиб туришибди.*

*Мен шунга ишонаманки, бундай мурувватли, саховатли одамлар ишлаётган жамоа аъзоларининг фарзандлари ҳам ўз ота-оналари сингари меҳр-оқибатли бўлиб вояга етадилар.*

*Ҳурматли таҳририят ходимлари, сизлардан илтимос, газетангиз орқали бизнинг самимий миннатдорчилигимизни ушбу саховат эгаларига етказсангизлар.*

***Ғазалкент шаҳар кўзи ожизлар жамияти аъзолари номидан Нурмуҳаммад ТЎҚТАРОВ.***

*Шундайлар бор бўлсин*

# ҚЎРҒОНБОЙНИНГ ЖАСОРАТИ

ШУ ЙИЛ 26 январь куни кечки пайт эди. Болтабой аканинг ўғли Раҳимжон сигирини суғориш учун шаҳар ўртасидан оқиб ўтадиган канал бўйига олиб чиқди. Бирдан унинг кўзи сувга чўкаётган аёл киши билан икки ёш болага тушди. У жон-жаҳди билан акасини ёрдамга чақирди. Югуриб келган Қўрғонбой бир зум ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини қиш чилласининг муздек сувига отди. Сузиб бориб тўрт яшар чамасидаги ўғил бола билан тўққиз ёшли қизчани ушлади-да, қирғоққа олиб чиққач, қайтадан яна ўзини сувга ташлади. Сувнинг совуқлигидан ҳолдан тойиб беҳол бўлиб қолган аёлни қирғоққа тортиб чиқди. Ёш болани кўтарганича уйга олиб кирди. Воқеадан хабар топган Болтабой ака Алиев, Онажон Тўхтаназарова ва Садриддиновлар оиласи ҳам қирғоқда қолган қизча билан унинг онасини уйга келтириб, «Тез ёрдам» хизмати келгунига қадар кийимларини алмаштириб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатдилар. Она болалари билан оғир аҳволда Чирчиқ шаҳар касалхонасига олиб келинди. Шифокорларнинг ҳаракати билангина уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Сўнг маълум бўлишича, Тошкент шаҳридаги Лисунов кўчаси 58-уйининг 72-хонадонида яшайдиган Феруза Эргашева фарзандлари билан меҳмонга келишаётган экан. Йўлни қисқартириш мақсадида канал устига ўрнатилган осма кўприкдан ўтмоқчи бўлишибди. Кўприк устига келганда Ферузанинг кўзи тиниб, оёғи сирғаниб сувга тушиб кетибди. Онасининг қўлини ушлаб келаётган бола ҳам сувга йиқилибди. Буни кўрган Шаҳноза қўрқиб кетиб, уларни қутқариш ниятида ўзини сувга отибди...

Эргашеваларнинг халоскори — 22 ёшли Қўрғонбой Алиев Чирчиқ шаҳридаги ғишт заводида ишлайди. Раҳимжон Алиев эса 27-ҳунар-техника билим юртида таълим олаяпти. Ҳалол меҳнат қилиб ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган Болтабой ака билан Манзура опа ўз фарзандлари билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

***К. ИСРОИЛОВ, Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги.***

